

# ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 208 (10.261)

2004 ЙИЛ 26 ОКТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сўзларда

● **СЛОВАКИЯНИНГ** Ўзбекистондаги элчихонасида «Консуллик ҳуқуқи ва амалиёти» китобининг тақдими бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқшунослар, жамоат ташкилотлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок эттиди.

● **СЕРГЕЛИ** туманида фаоллар иштирокида бўлиб ўтган амалий семинар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида уюштирилган тадбирда халқ таълимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ва бу борада матбуотнинг роли хусусида сўз борди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги 304-мактабда «Балоғат даври ва унинг ўзига хос муаммолари», «Қизлар маънавияти» мавзуларида ўтказилган тадбир туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлиmlари ташаббуси билан уюштирилди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 319-мактаб ҳамда 13-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мажмуаларида туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида ўн кундан бери давом этаётган мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган сузиш мусобақаси ниҳоятга етди.

● **ТОШКЕНТ** темир йўл транспорти муҳандислари институтида «Бир йигитга 40 хунар оз» шиори остида «Ибратли йигит» кўрик-танлови ўтказилди.

● **МИРЗО** Улўғбек номли касб-хунар коллежида ўқитувчилар ва коллеж талабалари иштирокида уюштирилган семинар йиғитларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлаш масалаларига бағишланди.


Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз хабарларидан.

«Ижод-ижод» хусусий корхонаси тадбиркорлари юртимиздаги тарихий обидаларни таъмирлашда куч-ғайрат сарфлаш билан биргаликда сифатли чинни маҳсулотлари тайёрлашга ҳам эришишмоқда.

**СУРАТДА:** сопол  
чеҳи бошлиғи Ба-  
ходир Раҳмонов  
шогирдлари билан.  
Ҳакимжон  
Солиҳов  
олган сурат.



## ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИНИНГ МАРОМИДА ИШЛАШИ ЙЎЛИДА



Пойтахтимизда 18 октябрдан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ўз фаолиятини бошлади.

Сайлов комиссиялари, кейинчалик — сайлов участкалари ҳам телефон алоқаси билан тўлиқ ва узлуksиз таъминланиши ҳақидаги ахбороти тақдим этилди.

Ҳақиқатан ҳам жойларда вазият тегишли тартиб ва қоидаларга жавоб берадими? **КЕЧА** «Оқшом» газеталарида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларининг манзили уларнинг телефон рақамлари кўрсатилгани ҳолда эълон қилинди. Қайд этилишича, сайлов округларининг 30 фойзидан зиёди иккитадан телефон алоқаси билан таъминланган ва айтиб ўтиш лозимки, уларга дастлабки уланишлар қониклар бўлди.

Йиғилишда шаҳар сайлов комиссиясининг аъзоси Людмила Петаеванинг Акмал Икромов туманида жойлашган округ сайлов комиссияларининг фаолияти бўйича дастлабки жойида ўтказилган текширувлар натижалари хусусидаги ахбороти тингланди.

Ушбу туманда марказлари 106, 245, 116, 193-мактаблар, миллий хунармандчилик, дизайн касб-хунар коллежлари ҳамда тасвирий ва амалий санъат лицей-интернат бўлган етти-та сайлов округлари ташкил этилган. Бино ва хоналар сайловларга тайёргар-

лик куриш ва уларни ўтказиш учун барча талаб этилган меъёр ва қоидаларга мувофиқ равишда танланган. Ҳар бир манзил бўйича округ комиссиялари учун мебель, теле-радио-аппаратура, компьютер, телефон алоқаси билан жиҳозланган иккитадан хона ажратилган, бу ерда бўлажак сайловларга оид адабиётлар сараланган, сайловчилар рўйхатларини осииш бурчаклари, овоз бериш хоналари тайёр ҳолатга келтирилган. Шу билан бирга айрим округларда уларнинг тўлиқ жиҳозланиши, хусусан нухса кўчириш машиналари, керакли адабиёт билан лозим даражада таъминланиши борасида муаммолар мавжуд.

Йиғилишда туманлар келсимиде тегишли округларга бириктирилган шаҳар комиссияси аъзоларининг эътибори округ сайлов комиссияларига оид юзага келган низоли масалалар туман ҳокимликлари, шунингдек, тегишли округ ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларни жалб этган ҳолда теzkорлик билан ҳал этилиши лозимлиги қаратилди.

Эртадан эса сайловларга тайёргарлиги юзасидан сайлов участкалари ҳисобот берадилар.

Ильмира  
ЗАЙНУТДИНОВА

## НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (O'zLiDeP) нинг иккинчи съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан сайланган 360 нафар делегат қатнашди.

Партия Сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси М.Аҳмадjonов матбуот анжуманида таъкидлаганидек, ҳозир партиянинг 135 мингдан зиёд аъзоси бор.

Партия мамлакатимиз парламенти ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар ҳамда

туман Қенгашларида кўпроқ жой олиш учун ҳаракат қилмоқда. Бунда партия ўз фаоллари - тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракатига суянади. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, жамиятда эркинлаштириш жа-

раёнларининг янада чуқурлашувида, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва аҳолининг турмуш даражаси юксалишида, юртимизда тинчлик ва осойиштагликнинг барқарор бўлишида тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг ҳиссаси катта, албатта.

Съезда партиянинг сайловолди дастури тасдиқланди. Съездада мазкур партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси номзодлар кўрсатилди.

ЎЗА

## XVI сароси

Барча манбалардан  
олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари ўртасидаги «LG» гранти ҳамда «Йилнинг энг яхши госяси» танлови тақдими бўлиб ўтди.

● Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази ҳамкорлигида пойтахт вилояти Хотин-қизлар қўмитаси хузуридаги «Ҳамдўстлик» аёллар клубида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга бағишланган ўқув машғулотлари бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон халқ rassоми Неъмат Кўзибоев асарлари кўрғазмаси очилди. Кўрғазма rassом таваллудининг 75 йиллигига бағишланди.

● Иштихон туманидаги Мишон кўрғониде замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мажмуада ёшлар спортнинг волейбол, баскетбол, кўл тўпи, мини-футбол ҳамда шарқ яққолариш турлари билан шуғулланишмоқда. Мазкур спорт иншоотининг қурилиши учун вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 100 миллион сўм, «Уч қахрамон» ширкат хўжалиги эса 30 миллион сўм маблағ ажратди.

### Жаҳонда

● Япониянинг Ниигата префектурасида юз берган 6,8 балли zilзилда оқибатида 23 киши ҳаётдан кўз юмди, икки мингдан зиёд одам жароҳатланди. Айни пайтда кутқарув ишларини бажариш ва етказилган зарарларни ўрганиб чиқиш бўйича теzkор штаб ишга киришди.

● Эрон Европа Иттифоқининг ядро ишланмаларини музлатиш тўғрисидаги тақлифини рад этди.

● Россия Федерациясининг Чита вилоятида маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар бўлиб ўтди.

● Британия ҳукумати қол остидаги номи «Юлдузли урушлар ўғли» бўлган мудофаа тизими доирасида душманнинг стратегик ракеталарини нейтраллаштиришга йўналтирилган Американинг ушлаб олувчи ракеталарини мамлакатда жойлаштиришга розилик билдирди.

● Бразилияда экипажлари сўровларга жавоб бермайдиган ва ҳарбий авиациянинг буйруқларига бўйсунмайдиган ҳар қандай самовётларни мамлакат ҳарбий ҳалфа кучлари томонидан уриб туширишга имкон берувчи қонун ишга кирди.

## МИЛЛИЙ ФАЗИЛАТ ИФОДАСИ

“Нуроний” жамғармасида Республика Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси томонидан “Меҳр ва мурувват – миллий фазилат ифодаси” мавзуда семинар ўтказилди. Уни Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитасининг раиси Машкура Сафоева олиб борди.

— Меҳр-мурувват инсонпарварликнинг бир намунаси бўлиб, у бугунги кунда жамият ҳаётининг асосий моҳиятига айланди, — деди тадбирда сўзга чиққан М.Сафоева. — Юртимизда миллий ўзгиримиз тимсоли бўлган кадрларимизни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодга етказиш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Кадрларимизда қадим-қадимдан халқимиз ҳаётида меҳр-мурувватнинг турли кўринишлари юзага келган ва ривожланган. Халқнинг диний қадриятлар билан мустаҳкамланган урф-одатлари ва аёнчалари замирида раҳм-шафқат, меҳр-мурувват кўрсатишнинг турли шакллари мужассам топган.

Анжуман иштирокчилари ҳозирги вақтда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги давлат сиёсатини рўбга чиқариш борасида аниқ мақсадга қаратилган ҳуқуқий база яратилганини эътироф этишди. Зеро, парламент томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари аҳолининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳуқуқи ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Шунингдек, ҳар бир инсон меҳр-оқибат туйғуларини ўзида мужассам қилган ҳолда бир-бирини қўллаб-қувватлаши, кўмак бериши, ўлмас қадриятларимизни асраб-авайлаши, фарзандларимизда ҳам шундай ноёб хислатларни камол топтириши ва бу қадриятларни келажак авлодга етказиши лозимлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида инсонни улуглаш, унга меҳр-оқибат кўрсатиш, аждодлар руҳини ёдга олинishi, уларнинг ибратли ҳаёт йўлларини тарғиб қилиши инсонларнинг бир-бирига меҳр-мурувват кўрсатишлари каби қадриятлар юксалмоқда. Меҳр-мурувват йилга бағишладик қабул қилинган дастурнинг амалга оширилиши ижтимоий ҳамда инсонпарварлик мезонлари нуқтаи назаридан қараганда катта ижобий натижалар бермоқда.

Инобат ЭҒАМКУЛОВА,  
“Туркистон-пресс”

Мамлакатимиз Олий Мажлисининг янги тизимга муваффақиятли ўтиши ва икки палатали парламент сифатида фаолият олиб боришининг ҳуқуқий асоси 2003 йил 28 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади.

Икки палатали парламентнинг қуйи палатаси ҳисобланган Қонунчилик палатаси бир юз йигирмата сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлиб асосан қонун ижодкорлиги билан шуғулланади. Шу муносабат билан 2004 йил 8 октябрь кун Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисидаги қарори эълон қилиниб уларнинг маъмурий ҳудудлари белгилаб берилди. Ҳар бир сайлов округига сайловчилар санои ўртача 119,6 минг қилиб белгиланди.

Тошкент шаҳрида ўн битта сайлов округлари ташкил этилиб, Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланди. Сайлов округлари сайлов комиссиялари тизимида ўрта бўғин ҳисобланиб, сайлов участкалари ва Марказий

сайлов комиссиялари иш фаолиятлари ўртасида ўзига хос боғлиқлиқни ва бирликни таъминлаб, сайланадиган депутатнинг ҳақиқатдан ҳам энг муносиблиги, унинг бошқа номзодлар ичидан ҳаққоний танилаб, ажратиб олинганлигини кўрсатувчи, фуқароларнинг сиёсий савиясининг ўсишида, сайловчиларимиз онгида адолатга ишонч бўлишида фоят муҳим роль ўйнайди.

Сайлов кампанияларида қонунчилигимизга қўра округ сайлов комиссиялари иш фаолияти қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

— Ҳар бир округ сайлов комиссияси ўз сайлов округи ҳудудида сайлов қонунчилиги ижросини назорат қилиб, сайлов участкаларини тузати, сайлов округи бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда

уларнинг рўйхатини эълон қилади.

— Округ сайлов комиссияси сайлов учун ажратилган маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов округида сайловни моддий техника жиҳатидан таъминлаш каби масалаларни кўриб чиқари;

— сайлов округидан кўрсатилган депутатликка номзодни қўллаб-қувватлов-

чишли гувоҳномалар беради;

— депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга қўмаклашади;

— депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

— сиёсий партиялар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

— сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва улар билан ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

— сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган намунага мувофиқ сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссияларининг улар билан таъминланишини ташкил этади;

— сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

— такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказилишини ташкил этади;

— участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқайди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади.

Бир сўз билан айтганда икки палатали парламент сайлов тизимига ўтиш мамлакатимиз ҳаётида ва халқимиз тақдирини давлат тарихий-сиёсий воқеа бўлиб, мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг янада жадал ривожланишига хизмат қилади ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида ўтаётган сайловлар ва уларнинг натижалари Ўзбекистоннинг халқро ҳақамиятдаги ўрнига ижобий таъсир этади.

Улуғбек ДҶУСАНОВ,  
Тошкент Давлат юридик  
институтини ўқитувчиси.

лар жараёнида ҳамда унда кейин эришилиши мумкин бўлган ютуқлар тўғрисида гапирилар экан, бунинг учун дастлаб ўзимизнинг фаоллигимиз давр талаби экани алоҳида таъкидланди.

Анжуманга таклиф этилган талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Баҳолиер АЗИЗОВ

## САЙЛОВЛАРДА ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

26  
декабрь —  
Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
Мажлиси Қонунчи-  
лик палатасига  
ва маҳаллий  
Кенгашларга  
сайлов кун

Эркин ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида бораётган мустақил республикамизда сайлов кампанияси бошланган бўлиб, 2004 йил 26 декабрь кун Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг Конституцияда белгиланган ваколат муддатлари тугайди ва шу кун янги сайловлар бўлиб ўтади.

чи имзо тўплашга оид имзо варақаларини сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларидан қабул қилиб олади, уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради;

— депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари қабул қилинганлиги тўғрисида сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларига варақа қабул қилинган кун қайд этилган маълумотнома беради;

— сайлов округи комиссияси депутатликка номзодларга уларнинг ҳар бирига сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлаш чораларини кўради.

— Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларини эълон қилади ва бу номзодларга те-

лар жараёнида ҳамда унда кейин эришилиши мумкин бўлган ютуқлар тўғрисида гапирилар экан, бунинг учун дастлаб ўзимизнинг фаоллигимиз давр талаби экани алоҳида таъкидланди.

Анжуманга таклиф этилган талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Баҳолиер АЗИЗОВ

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН

Кун кеча Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази Соғлиқни сақлаш бosh бoшқармаси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан «Сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг роли» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Ушбу тадбирни ташкиллаштиришдан кўзланган мақсад — энг аввало фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириш, уларни бўлажак сайловларда фаол

қатнашишга жалб этиш, бугунги кунда халқ фаровонлигига эришиш йўлида қонун чиқарувчи ва уни тасдиқловчи палаталардан айнан улар

атларини кўзлайдиган номзодларгина сайланишини таъминлашдан иборат.

Тадбир давомида икки палатали парламентнинг моҳияти, сайловолди ва сайлов-

Тил - дил калити, дейишди. Халқлар қанчалик бир-бирининг тилини ўрганса, улар ўртасидаги дўстлик шунча мустаҳкамланади. Бугунги кунда Ўзбекистон ва кунчиқар мамлакат ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, маданий, маънавий-маърифий, илмий соҳаларда ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро сайёҳлик алоқаларининг кенгайиб бориши эса ўзбекларнинг Японияга, японларнинг юртимизга келиши имкониятларини кенгайтирди. Ҳамкорликнинг ривожланиши ва кенгайиши икки халқ вакиллари учун тилни билишни талаб этади. Тилни ўрганиш учун эса лугатлар кишига яқин кўмакчи ҳисобланади.

Маълумки, бугунги кунда японча-ўзбекча-русча лугат мавжуд эмасди. Тўғри, бизда японча-ўзбекча лугат тузиш тажрибалари бор. Жумладан, 2000 йили “Чўлпон” нашриётида чоп этилган “Японча-ўзбекча” лугат бор-йўқи икки мингга яқин сўздан иборат эди. У япон тилини дастлабки ўрганаётганларга мўлжалланган эди. Японияда 1980 йилда чоп этилган ўзбекча-японча лугат саккиз ярим мингга яқин сўзни ўз ичига олади. Бу лугат дастлабки қўлланма бўлган-

## ЯПОНЧА-ЎЗБЕКЧА-РУСЧА ЛУГАТ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат Шарқшунослик институтига японча-ўзбекча-русча лугат чоп этилди. Японшунос олим Сунат Шероф муаллифлигида лугатда замонавий япон тилидаги саккиз мингдан ортук сўз ва иборанинڭ ўзбек ва рус тилидаги таржималари берилган.

лиги учун унда ўзбекча сўз маънолари тўлиқ берилмаган. Лугатда рус сўзларини ишлатиш сунъий равишда кенгайтирилган.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан сўнг кўрсатилган лугатлардаги кўпгина русча сўзлар ўрнига ўзбекча сўзлар ишлатилмоқда, бу эса янги лугатга бўлган эҳтиёжни янада оширади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўзбек миллатига мансуб фуқаролар билан бирга жами 130 дан ортук милади ва элат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги рус тилида мулоқот қилади. Шу инобатга олиниб, мазкур лугат уч тилда нашр этилди. Лугат кўпроқ япон тилини ўрганаётган талабалар ва таржимонларга мўлжалланган бўлиб, имкон қадар сўзла-

шув тилига мослаштирилган. Шунингдек, ило ва сифатида япон адабиётининг умумтоз асарлари номи, япон тилида сонлар, ой ва ҳафта кунлари номи, Япониянинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, Япония тарихидаги асосий даврлар номи, япон халқи нишонлайдиган байрам ва маросимлар киритилган.

Лугатда замонавий япон тилидаги саккиз мингдан ортук сўз ва ибораларнинг ўзбек ва рус тилларидаги таржимаси берилган. Ушбу лугат ўзбек ва япон дўстлигини янада мустаҳкамлаш, халқларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни юқори поғоналарга кўтаришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,  
“Туркистон-пресс”

*Маълум*

**МАСОФАЛИ ТАЪЛИМГА КЕНГ ЙЎЛ**

Масофали ўқитиш асосида талаба-ёшларга таълим беришни йўлга қўйиш жараёнлари ўз ижобий самарасини бермоқда. Бунда чет эл тажрибаси ҳам қўл келмоқда.

Шуни инобатга олиб истикболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси хайрли ишларга қўл урди. Республикамиздаги олий ўқув юрталари, ўрта махсус, касбунара коллежлари ҳамда академик лицейлари ўқитувчиларининг Россия Федерацияси ўқув марказларида орттирган бой тажрибалари ҳам самарали бўлди.

Москва Давлат электроника-математика институтининг «Масофали курслар яратиш технологияси ва методикаси» курси машғулотларида эса 60 нафар вақилимиз ўз билимини бойитди. Бундан ташқари Россия Ахборот технологияси Интернет университетиде «Ахборот хавфсизлиги асослари», «Ахборот хавфсизлиги криптографияси», «Веб-технологиялар» каби йўналишларда уюштирилган ўқув курсларида қатнашган 50 нафар зиёлига сертификатлар топширилди.

Айни вақтда «Истеъдод» жамғармаси ана шу таълимий жараёнларда орттирилган тажрибалар асосида республикамиз ўқув юрталарида масофали ўқитишнинг алоҳида жадвалини жорий этди.

**ИЗЛАНУВЧАН ТАЛАБАЛАР МАЪРУЗАЛАРИ**


Тошкент кимё-технология институтиде тахсил кўраётган иқтидорли талабаларни илмий излашларга жалб этиш йўлида кўрилаётган тadbirlar яхши самара бермоқда. Олий ўқув юртида уюштирилаётган фан ҳафталиклари ҳам бу борада амалий аҳамият касб этмоқда.

Навбатдаги фан ҳафталигида ҳам умидли талабалар ўз илмий маърузалари билан қатнашдилар. Кафедра ва лабораторияларда олиб борилаётган излашлар натижалари ҳақидаги ҳисоботлар ҳам кўпчиликда қизиқиб уйғотди.

Шунингдек, институт кафедраларининг жойлардаги шохобчаларида амалга оширилаётган тадқиқотларда талаба-ёшларнинг фаоллиги мамнуният билан тилга олинди.

«Фан ҳафталиги» тadbiri материаллари алоҳида илмий тўплам қилиб босмага тайёрланди.

**Аҳмад АББОСОВ.**



Хозирги кунда мuddатли ҳарбий хизматга, шартнома бўйича ҳарбий хизматга, сафарбарлик чакируви резерви хизматида чакирши Янги Қонун бўйича амалга оширилаётганиги, бундай ҳарбий хизмат турларининг кўпайганлиги натижасида Мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлиmlариде тартиб-интизом кучайиб, чакирилувчиларнинг манфаатлари қонуний ҳимоя қилинишига, ҳарбий хизматга чакирув сифатининг яхшиланишига эришилмоқда, десак муболага бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрдаги «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига навбатдаги чакирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ айни кулларда бүгун Республикамиз, хусусан шаҳримизда кўзги чакирув бўйича ишлар қизғин кетмоқда. Биз Шайхонтоҳур туман мудофаа бўлимида бўлиб, ҳарбий хизматга чоғланган йигитларга яратилган шарт-шароитлар, чакирувнинг бориши, тиббий комиссия фаолияти билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик.

Суратқаш-муҳбиримиз билан эрталаб мудофаа бўлимига кириб келганимизда ҳарбийлар биринчи навбатда интизомга риоя қиладди, деган гапнинг нақадар тўғри эканлигини кўрдик. Туман мудофаа бўлими бошлиғи, майор Бахтиёр Ташмеров билан тиббий комиссияда иштирок этаётган чоғида, иш жараёнида сўхбатлашишга тўғри келди.

— Мудофаа бўлимида кўзги чакирқча тайёргарлик анча эрта — баҳорги чакирув якунланганидан сўнг, июль ойидеёқ бошлаб юборилган, — дейди Бахтиёр Ташмеров. — Маълумки, жорий йилнинг баҳориде ва кузида эълон қилинган Вазиrлар Маҳкамасининг юқориде кўрсатиб ўтилган қарорлари аввалги қарорлардан ўзгачароқ, яъни Ватан ҳимоячилари хизмати мавқеини янада ошириш, уларга биринчи навбатда шарт-шароитларни яратиш бериш, иш ва ўқишга жойлашишларида имтиёзлар яратиш каби қатор янги бандлар билан эълон қилинди. Шунга мувофиқ биз ҳам Мудофаа вазиrлиги ташкилий бошқармасининг янги йўриқномасига асосан ишни хизмат ёшига етган йигитларни аввало маҳаллада, турар жойида оилавий аҳволи, шарт-шароити, нимага қизиқиши, жисмонан соғлиғи, интеллектуал даражасини ўрганишдан бошлаганмиз. Биринчи тиббий кўриқдан ўтказиб, жисмонан соғлом ва бақувват бўлган ўсмирларнинг ота-оналарини чакириб хоҳишларига биноан «Ватанпарвар» ташкилотига ўқишга юборамиз. Улар аввало у ерда илк ҳарбийча интизомни ўрганидилар, ҳайдовчилик, радиоалоқачи, парашютчи каби қатор мухтассисликлар бўйича сабоқ оладилар.

Танловда энг юқори балл тўплаган ўсмирнинг мuddатли ҳарбий хизматга жўнатилмоқда. Ахир бүгун Ватан ҳимоясини бўлишга ҳар томонлама соғлом ва етуқ, интеллектуал даражаси юқори, юрағида ўти бор бўлган ўсмирлар танлаб олинмоқда.

— Чакирув комиссиялари таркибига «Нуруний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати,

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар комиссиялари ва маҳаллий ҳокимият органлари вақиларининг киритилиши ҳам бекорга эмас. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳар томонлама баркамол ёшларни ҳарбий хизматга танлашда чакирув комиссиялари фаолиятида ошқоралиқни таъминлаш, чакирши ҳақида қарор қабул қилишда ноҳилисликка йўл қўймаслиқдир, тўғрими?

— Ҳар бир ўсмир тиббий комиссиядан ўтказилади, лекин хизматга борган йигитлар ичиде икки-уч ой вақт ўтгандан кейин маълум бир касаллиқнинг юзага чиқиб қолаётган ҳоллари ҳам учраб қолмоқда. Бунга сабаб нимада деб ўйлайсиз?

— Бу саволингизга мен жавоб берсам бўладики, — дея сўхбатга қўшилди тиббий комиссия бош шифокори Лола Баҳромова. — Аввало бундай бўлиши мумкин эмас. Негаки ўсмирлар бу ерда ўз касбининг усталари бўлган олий тоифали шифокорлар назоратидан ўтишадди. Энг замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан Соғлиқни сақлаш вазиrлиги, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда туман худудий тиббиёт бирлашмаси томонидан таъминланганмиз. УЗД, ЭКГ, флюорография каби қатор аппаратларнинг ҳар томонлама текширувларидан бирон касаллик кўзга чалинмай ўтиб кетиши мумкин эмас. Об-ҳавонинг, овқатланиш режимиининг ўзгариши ҳисобига ёки тўсатдан қуриқлик бўлиб қолиш мумкин. Хозирги кунда ҳарбий хизматга юз фоиз саюматлигида ҳеч қандай нуқсон бўлмаган, бақувват ўсмирларгина танлов асосида қабул қилинмоқда деб айта оламиз.

— Муддатли хизматни шараф билан ўтаб қайтаётган йигитларни кутиб олиш, кузатиш, ўқишга ёки ишга жойлаштириш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида ҳам билмоқчи эдик.

— Туман бўйича баҳорда 137 нафар йигит соғ-омон ота-онаси табағига хизматни муваффақиятли тугатиб қайтиб келди. Уларни жамоатчилик ташкилотлари билан тантанали кутиб олдик. Хозирги кунда уларнинг аксарияти — имтиёзли тавсия билан келганлари ўқишга, ҳунар эгаллаганлари эса ишга жойлашганлар. Бу борада туман Меҳнат бўлими билан яқин ҳамкорликда иш олиб борамиз. Келгуси ҳаётларидан доимо хабардормиз. Дарвоқе, Сафарбарлик чакируви резервиге чакирилаётган ўсмирларнинг оилавий шарт-шароитлари ўрганилиб, маҳалла билан келишган ҳолда туланадиган пул бадалини тўлаб бериш каби хайрли ишлар ҳам амалга оширилмоқда.

— Айтиш лозимки, мақсадимиз — муқаддас Ватанимиз тинчлиги-оқошталлигини ишончли қўлларга топшириш, — дея сўхбатимизга яқун ясади туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Хусан Ахроров, — Миллий Армиямиз сафларини жисмонан бақувват, ҳарбий техника сир-асрорларини мукаммал, тез ва соз ўрганиб оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлигини муносиб ҳимоя қила оладиган авлодни вояга етказишдир.

Биз кўнглимиз, юрагимиз илиқ бир нур билан тўлганга ушбу ҳаёт синовларига муносиб номзодлар танланаётган масканини тарқ этдик. Ишончимиз қомилки, бу ердан фақат сара уғлонлар, юрт, она-Ватан қуриқчиси бўлишга муносиблар хизматга йўл оладилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**  
СУРАТЛАРДА: Шайхонтоҳур туман мудофаа бўлими фаолиятидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



*Қўзғи гақирисқ — 2004*

**ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ**

Азал-азалдан Ватанини ҳимоя қилиш, халқ тинчлиғи ва оқошталлигини сақлаш шарафли ва муқаддас бурч саналган. Айниқса, мустақиллик йилларида Қуроли Кучларимизда юз бераётган ўзгариш ва ислохотлар халқимизнинг армиямизга бўлган ишончи ва ҳурматини янада оширди. 2002 йил 12 декабрь куни қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги Қонуни эса ўтказилаётган ислохотларнинг самараси бўлиб, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни ўзида жамлаган ҳолда, жаҳон талабаларига жавоб берадиган ҳужжат сифатида юзага келди.

— Тўғри, бу борада бүгунги кунда ҳеч қандай ноҳилислиқ, муаммолар бўлиши мумкин эмас. Чунки Миллий Армиямизда олиб борилаётган изчил ислохотлар, хизмати ўтаб келган йигитларнинг кейинги ҳаёт йулини белгилаб олишдаги яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳарбий



хизматга бўлган қарашни тубдан ўзгартирди. Туман чакирув комиссияси раиси, туман ҳокими ўринбосари Абдуқаҳҳор Қодиров, туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Хусан Ахроров, туман «Нуруний» жамғармаси раиси Муртазо Усмонов, «Камолот» ЕИХ туман бўлими «Посбон» маркази раиси Жуманазар Жонибековлар доимо ёнимизда, улар билан маслаҳатлашиб, ҳамкорликда барча масалаларни ҳал этамиз.

Тумандаги 48 та маҳалланинғ ҳар бириде Вазиrлар Маҳкамаси томонидан эълон қилинган қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича учрашувлар ўтказдик. Бунда айниқса чакирув бўлимининг бошлиғи Бахтиёр Тўражонов, Сафарбарлик чакируви резерви бўлимининг бошлиғи Абдумалик Ғозиев, Чакирққача бўлган ўсмирларни хизматга тайёрлаш бўлиминининг бошлиғи Акмал Икромовларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан.



Шарқ дурдоналари

## ОЗ ОЗ ҲУТГАНИЙ ДОМО БУЛУР...

● **ҲИКОЯТ.** Бир тулки ўрмонда яшар эди. Бир куни эрталаб овқат излаганича ҳар томонни кеза бошлади. Тасодифан бир товукқа кўзи тушиб қолди. Уни тутушга бел боғлади. Шу пайт унинг кулоғига баланд бир овоз эшитилди. У чор-атрофга қараб, дарахт тепасида турган йўгон гавдали, семиз бир нарса кўрди. Иштаҳаси аланга олди. Уша семиз нарсага эришиш мақсадида юз ранжу кулфат билан дарахт тепасига чиқди ва унга чанг солди. Уша нарсанинг ичи бўмбўш бўлиб, ҳаводан ўзга нарса йўқ эди. Тулкининг очкўзлиги туфайли бу ногора унинг кўзига семиз ҳайвон бўлиб кўринган эди. Шамол таъсирида дарахт шохлари тебраниб, унга урилар ва чиқаётган овоз эса ҳайвон овози бўлиб туюлган эди. Тулкининг дили ҳасрат ўтидан куйиб надомат ёшларини тўқди. Сўнг ўзига деди: «Эсиз, бу ҳаводан ишган нарса ни деб ҳалол сайдимни кўлдан чиқардим, фойдасиз бу йўгон гавдадан ҳеч манфаат етмади!» Китъа:

**Ногора даранглар  
тинимсиз вале,  
Ичи бўшдир, бундан  
нима фойда бор?  
Ақлинг бўлса ишнинг  
тагини ўйла,  
Ялтироқ ташига  
қилма эътибор!**

● Азизим, сен душман сўзига дарҳол ишониб қўя қолма, унинг сўзлари ҳийла ва алдовдан иборат бўлиб, у ўз мақсадига эришиш учун ўзини ниҳоятда мулоийм қилиб кўрсатади. Сени гафлатда кўргач, тadbир ўқини мақсад нишонига уради. У пайтда сен учун чора-тадбир кўриш фурсати ўтган бўлиб, ҳасрат ва надомат ёрдам бермайди. Чунончи айтадилар:

**Душман иши аввал  
ҳийла-ю найранг,  
Сўнг ҳужум бошлайди  
қилиди гаранг.  
Бу селнинг йўллари  
тўсилмаса гар,  
Юзланар беҳисоб  
фитна-ю зарар.  
Фитна йўлин бугун  
тўсмасанг маҳкам,  
Эртага кучаяр  
бўлиб мустаҳкам!**

*Хожа Аҳрор Валий таваллудининг  
600 йиллиги олдидан*

## ТИНЧЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ ДАЪВАТЧИСИ

Меҳр-оқибат, инсоф, адолат, инсонларни яхшиликка ундаш халқимизга хос азалий қадриятлардан саналади. Ўзбекининг ўзлигини, ўзига хос менталитети ва буюклигини белгилайдиган мазкур тамойиллар кўҳна тарихимизнинг илди-илдиликларига бориб тақалади.

Узоқ тарихимизда шундай шахслар ўтганки, улар ўзларининг сермазмун ҳаёти, ибратли фаолияти, маънавий-маърифий ўнгилари билан эл-юрт манфаатлари йўлида куч-ғайратини аямаган. Ана шундай зоти шарифлардан бири Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) ҳазратлари ҳисобланади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори аллома ҳаёти, фаолияти ва бой илмий меросини чуқурроқ ўрганиш имкониятини берди.

Куни кеча Тошкент Ислom универси-

тетиде Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Хожа Аҳрор Валий — тинчлик, меҳр-оқибат даъватчиси» мавзусида илмий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққанлар — олимлар, шоир ва ёш тадқиқотчилар Хожа Аҳрор Валийнинг кишиларга нисбатан меҳр-мурувати, хайр-саховати, инсоний фазилатларини таъкидлаб ўтишди.

Дарҳақиқат, эл-юртнинг пири комили бўлган бу улуг сиймо тўғрисида Юртбошимиз шундай деганлар: «Хожа Аҳрор Валий ўз даврида 25-30 йил мо-

Кейинги йилларда дунёнинг турли бурчакларидан туриб, халқларнинг миллий ҳавфсизлигига таҳдид солаётган, ўзларининг гаразли мақсадлари йўлида ҳеч қандай разилликлардан тап тортмаётган радикал кайфиятдаги диний айирмачиларнинг, экстремистик оқимларнинг мавжудлиги, қутилмаганда қонли террорлар уюштириш орқали уларнинг умумдунёвий барқарорликка жиддий путур етказатгани сир эмас.

### Учрашувлар

## ЎСМИР ВА ҚОНУН

Ачинарли томони шундаки, бу сиёсий бўҳронларнинг қурбонлари, аксарият ҳолларда вояга етмаган ўсмирлар бўлиб қолмоқда. Негаки, сиёсий онги паст, ҳуқуқий маданияти ночор ўсмирни оғдириб олиш, уни истаган йўриққа солиш, осон ва қудай кечади.

Чилонзор туманидаги 2-Тошкент педагогика коллежиде «Ўсмир ва қонун» мавзусида бўлиб ўтган ийгинда айнан шу мавзулар атрофида фикр алмашилди. Тадбирда коллеж талабалари Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, Бош прокуратуранинг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими вакиллари билан мулоқотда бўлишди.

Ийгилишда таъкидланганидек, бугунги ҳар бир ўсмир, ҳар бир ёшдунёнинг сиёсий жараёнларидан хабардор бўлиши баробарида одоб, ахлоқ мезонларини яхши билмоғи, қонуннинг шахс эркинлигига таъсири борасидаги билимларини кенгайтирмоғи лозим. Негаки, қонун ҳужжатларини яхши ўзлаштирган шахс ҳуқуқий камситилишлардан ҳоли бўлади.

— Бугунги ҳаёт тарзи сиз ёшлар

олдиға, жуда катта вазифаларни қўймоқда, — деди жумладан учрашувда сўзга чиққан Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раиси Қуддус Аъзамов. — Энг биринчи вазифа, берилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланиб қўнғ ҳамда сабот билан билим эгаллаш. Иккинчидан, «ҳуқуқий онг» ва «ҳуқуқий маданият» тушунчаларининг моҳиятини тўғри, агрофлича англаб этиш зарур. Учинчидан эса, шу азиз Ватаннинг ҳар бир қаричини муқаддас билиш, унинг дахлсизлиги учун, эртанги келажак учун масъулликни ҳис этиб яшаш даркордир.

Бунинг учун нима қилиш керак?

Аввало, турли диний, радикал оқимлар таъсирига тушиб қолмаслик, ижтимоий ҳаётда фаоллик орқали улар билан курашиш, шарқона одоб-ахлоқ меъёрларини пухта эгаллаш керак бўлади.

Ийгилишда сўзга чиққан ҳар бир жамоатчилик органи вакили шу мавзу атрофида фикр юритар экан, интеграция ҳамда глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги пайтда жамиятнинг ёш бўғини тўғри камол топиши зарурлигини қайд этиб ўтди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

## ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде АҚШ давлат департаментининг таълим ва маданият бўлими ҳамда АКСЕЛС ташкилоти томонидан ташкил қилинган инглиз тили ва америкашуносликни ўқитишда аълочилик дастури доирасида ўрта мактаблар инглиз тили ва америкашунослик ўқитувчилари учун мўлжалланган танлов голиблари тақдирланди.

Мазкур дастур доирасида 450 та мактаб замонавий техник воситалар билан таъминланди. Шунингдек, 90 нафар ўзбекистонлик ўқитувчилар Америкада малака ошириб қайтишди. Дастурнинг мақсади фақат техник ёрдам кўрсатиш ва малака оширишни йўлга қўйиш эмас, балки ўзаро мутахассислар алмашишни ҳам кўзда тутди. Ўтган вақт мобайнида АҚШлик 22 нафар ўқитувчи ўзбекистонлик ҳамкасблари билан узоқ муддатли иш олиб бориш мақсадида юртимизга ташриф буюрдилар.

— Ўзбекистонга келганимга икки ҳафта бўлди, — деди америкалик

ўқитувчи Лиза Грем. — Шу давр мобайнида ўзбекистонлик ўқитувчилар ва давлат таълим тизими билан танишдим. Бундай алмашув дастури америкалик ўқитувчилар учун ҳам, ўзбекистонлик муаллимлар учун ҳам яхши натижа берди деб ўйлайман.

Шу кунларда дастурнинг 2004 йилги танлов босқичлари бўлиб ўтмоқда. Унинг биринчи ва иккинчи босқичи голиблари ўқув услубий дарсликлар ҳамда техник воситалар билан тақдирланди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,  
«Туркистон-пресс»

байнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

«Шайхлар шайхи» деб ном олган бу улуг зотнинг тапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз.

Хожа Аҳрор ҳазратлари Нақибандия тариқатининг йирик намоянчаси, айни пайтда, ушбу тариқатнинг «Дил ба ёру, даба кор» («Калбинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин») деган пурҳикмат шиорини амалда юксак мақомга етказган шахс сифатида бутун ислом оламида шухрат қозонган. Ўз даврида аҳли тариқат пешвоси, яхшиларнинг қутби ва авлиёси, халқнинг раҳманиси ва ғамҳўрига айланган бу шахс ҳаёти ва фаолияти ҳозирги кунда кенг ўрганилмоқда.

Незматулло МУҲАМЕДОВ,  
Тошкент Ислom  
университети аспиранти.

### Туманларда

## БИДИМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАҚСАДИДА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25-майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида 2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар кенгашлари аппаратининг тузилмасига тарбиячи-педагог лавозими ўрнига ҳудудда камиде 500 оила яшайдиган маҳаллаларда, таркибида маҳалла ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларининг жорий этилиши қайд этилган эди. Ушбу Фармоннинг ижроси бўйича айни дамда барча туман маҳаллаларида ўрганиш ишлари амалга оширилмоқда.

Яккасарой тумани ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда тумандаги мутасалли вакиллар гуруҳи томонидан диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифаларида иш бошлаган маслаҳатчилар билан яқиндан танишиш мақсадида ўрганиш ишлари амалга оширилди.

— Диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ҳаёт тажрибасига эга бўлган, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўткази оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизларни тайинлашга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Муҳаббат Фозилова. — Биз маҳаллаларда бўлиб, маслаҳатчилар билан суҳбатлашиб, уларга бир нечта саволлар билан муурожаат этдик. Уларнинг билимлари қай даражада эканлигини текшириб кўрдик. Маслаҳатчиларнинг диний билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент Ислom университетиде ўқув курслари ташкил этиш зарурлиги белгилаб олинди.

Орзугул РУСТАМОВА

**Шарҳловчи****минбари****ЕВРОПА  
КОМИССИЯ-  
СИНИНГ ЯНГИ  
ҚАРОРЛАРИ**

Террорчилик хавфи кучайиб бораётгани дунё мамлакатларини ушбу таҳдидга қарши курашда янгича йўл тутишга ундамоқда. Ҳукумат муассасалари муаммони ҳал этиш учун бошқача ёндашувларни ишлаб чиқишга ва қону ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишга мажбур бўлаёттир.

Жорий йилнинг 11 мартда Мадрида содир этилган портлашлардан сўнг Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари раҳбарияти халқаро террорчилик муаммосига эътиборини янада кучайтирди. 2004 йил 14 июнда Брюсселда ўтган ЕИ саммитида қўпоровчиликка қарши биргалликда курашиш бўйича умумий ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Ўтган чоршанба куни эса Европа Комиссияси (ЕК) томонидан бир неча қарор қабул қилинди. Уларда ЕИ мамлакатларида террор хуружидан ҳимояланишга ва унинг оқибатларини бартараф этишга тайёргарликни ошириш ва муҳим иншоотларда хавфсизлик чораларини кучайтириш вазифалари белгиланган.

Қарорлардан бирида террорчиликка қарши курашишда ҳукумат идоралари билан бирга олий қонунчилик органлари ва жамоат ташкилотларининг иштироки ҳам зарур эканлиги айтилади. Зеро янги аср муаммосини бартараф этиш учун аввало қонунларни шароитга мослаш керак бўлади. Бу масалада эса кўп ҳолларда ҳукумат билан парламент ва нодавлат ташкилотлар ўртасида зиддиятлар юзга келиб турганди. Мутахассисларнинг фикрича, ЕКнинг янги ҳужжатлари қарама-қаршиликларга чек қўйиб, муаммони биргалликда муҳокама этиш ва ягона бир қарорга келиш имконини беради.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

**Майити ҳажвчилар****ҚАНАҚАСИГА СЕНГА  
УСТОЗМАН**

Нафси ҳақалак отган бир мансабдор аҳён-аҳёнда ўз гуноҳларидан чўчиб, уйи ёнидаги кўча чеккасида ўтган-кетганлардан садақа сўровчи гадо олдига келиб, кафтига битта юзталиқни ташлаб:

— Ҳаққимга дуо қил! — дея гердайиб текиларкан. Шунда гадо:

— Умрингиздан барака топинг, устоз! — дея дуо айтиб таъзим қиларкан.

Аввалига мансабдор унинг дуосига эътибор бермай кетавераркан. Кейинги садақа беришида эса гадонинг дуосини сидқидилдан тинглаб туриб, «Устоз» деган сўзига уйланиб қолиб, башарасини буриштириб сўрабди:

— Ҳай тиламчи, нега менга ҳар бир садақа берганимда, устоз, дейсан! Биласан, менинг шоҳона ҳовли-жойим, тагимда яп-янги машинам, кассада жарақ-жарақ пулим, амалим бор. Қанақасига сенга устоз бўларканман!

— Кечирасизу, — деб жавоб қайтарибди гадо, — очигини айтсам, сиз ҳам гадосиз. Фақат садақани мендек ошқора эмас, яшириб оласиз. Сизга одамлар тез-

роқ ишим битсин деб, енг ичида катта-катта садақани бериб кетишди!

Гадонинг бу жавобидан кейин у яна битта юзталиқни узатиб, ҳақиқий устозлигини билиб, индамай, машинасига ўтириб, жўнаб қолибди.

**ТУШУНТИРИШ**

Йўлдан чеккароқда турган қора «Нексия»ни артаётган ҳайдовчи рўпарасида бир «Жигули» тўхтади: — Ҳа, огайни, Мададбой! — деди «Жигули»нинг олдинги эпинини очиб Раҳматжон, — тинчликми? Икки-уч кундан бери сени шу ерда кўраман. Нима бало, ҳўжайининг эркак бўлатуриб, манави «Гўзаллик салони»га мудир бўлди, дейман?

— Э дўстим, сўрама! Сенга қандай тушунтирсам экан, ҳўжайинининг маликаси мана шу «Гўзаллик салони»ни хусусийлаштириб олган. Шу боис, ҳўжайин идорасидан кўчага чиқмай ўтиради, янгам бўлса мени тинч қўймай, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа изгигани изгиган!

— Ҳўжайинни уйдан олиб келиш, олиб бориб қўйиш-чи?

— Бу осон. Эрта билан янга иккови бирга уйдан чиқиб, ҳўжайин ишхона олдида тушиб қоладилар, кечкурун йўл-йўлакай олиб кетамиз.

— Бўлди, қотириб тушунтирдинг!

Энди бундан буён ҳўжайиндан ярим шаттага, янадан бутун шаттага маош оларкансан, дўстим суюнавер!

**НАВБАТ  
КЕЛГАНИДА**

Устахонада «Тико»нинг эгаси Мамарайимдан уста сўраб қолди.

— Амаки, машина ўзингизни-кимми?

— Йўк, тўрт кишининг ўртасида.

— Унда нега фақат бузилса ё урилса сиз олиб келасиз? — ҳайрон бўлиб сўради уста.

— Лўндасини айтсам, — деди Мамарайим ҳўрсиниб, — машина яхши ишлаб турса хотинжонининг у ёқ-бу ёққа борди-келдиси кўпаяди. Катта концерт ё кулги кечалари бўлса қизим миниб кетади. Футбол ўйинлари бўладиган кунлар кенжаотой ўғлимдан ортмайди. Уларнинг учовида ҳам ҳайловчилик гувоҳномаси бор.

— Унда сизга қачон навбат келади? — қизиқиб сўради уста.

— Мана шунақанги бузилса, ё урилиб пачоқ бўлса-да, укажон!

— Тушунарли, янгам билан ўғил-қизингиз шунчаки ўқидингми, ўқидим тарзида номига гувоҳномалик бўлишган экан-да, сиз эса ҳақиқий ҳайдовчи экансиз, амаки!

Хандапаз:

Олим ҚҮЧҚОРБЕКОВ

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**YUTUQ**  
**XARID QILING YUTIB OLING!**

**ПРИЗ**

**AZIZ VATANDOSHLAR!**  
"ORZU OSH TUZI" Shu'ba korxonasi O'zbekiston xalqini Respublika mustaqillik bayramining 13 yilligi bilan muborakbod etadi va ushbu ayym munosabati bilan Siz aziz xaridorlar uchun bayram tuhfasini taqdim etadi. Osh tuzi yangi ishlab chiqarilgan yelim idishlarga qadoqlangan bo'lib, ichiga jami 707 yutuq chiptalari solingan. Yutuqlar quyidagilardan iborat:

Bitta rangli televizor;	Один цветной телевизор;
Ikki ta videomagnitofon;	Два видеоманитофона;
Ikki ta audiomagnitofon;	Два аудиоманитофона;
Ikki ta velosiped;	Два велосипеда;
Besh yuzta firma futbol kalar;	Пятьсот фирменных футболок
Ikki yuz blok osh tuzi (har biri 25 kg).	Двести блоков пищевой соли (по 25 кг).

Tel: 48-10-92, 148-10-92

Orqa tarafida muxr va imzosi bo'lgan chipta yutuqni xisoblanadi. Если на обороте стоит роспись и печать, то купон действительный.

**XARID QILING YUTIB OLING!**  
**КУПИТЕ И ВЫИГРАЙТЕ!**

**ORZU**  
OSH TUZI

**Хўжалик  
юртуқини  
субъектлар  
раҳбарлари  
ҳамда  
тадбиркорлар  
диққатига!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32,  
139-05-57,  
55-67-42,  
55-19-73.

**Спорт**

**АЛПЛАР КУЧ СИНАШАДИ**

Уч ярим минг йилликдан ортиқ шонли тарихга эга миллий курашимиз фақат Истиклол шарофати билангина қайтадан буй кўрсатди. Буй кўрсатдигина эмас, балки бутун кўраи заминга ўзбек миллий спорт турининг афзалликларини намойиш қилди.

Дарҳақиқат, ҳозирда қайси қутъга борманг, ҳалол, чала, ёнбош каби ўзбек атамаларининг кураш гиламларида жарағлаётганига фахр билан гувоҳ бўлишингиз мумкин. Польша, Бразилия, Грузия каби узоқ мамлакатлардан ўзбек курашининг моҳир усталари етишиб чиқишининг ўзбек киши қалбига илиқлик бахш этади.

Эртага Шаҳрисабз шаҳрида ёшлар ўртасида кураш бўйича III жаҳон чемпионати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун IV Амир Темур хотира турнири бошланиши олдидан кўнглимиздан юқоридаги хаёллар ўтди.

Шуни айтиш керакки, Халқаро кураш ассоциацияси, Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилаётган ҳар иккала мусобақа бутун дунёдаги кураш ишқибозларининг эътиборини тортиши табиий. Эро, ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашиш истагини Европа, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Американинг эллика яқин мамлакатдан энг кучли ёш полвонлар билдиргани турнирнинг нуфузи қанчалик юқори эканлигидан далolat беради.

Амир Темур хотира турнирида эса кўнлаб етакчи полвонлар — йирик халқаро мусобақаларнинг голиб ва совриндорлари галаба учун кураш олиб боради.

Кураш мусобақалари доирасида шунингдек, Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитасининг йилгилиши ҳам бўлиб ўтади. Ўйлаيمизки, ҳар иккала турнир давомида янги иқтидорли полвонлар кашф этилади.

**МУМДЛИ ЁШЛАР ЎЗИНИ КЎРСАТДИ**

Республика олимпия захиралари коллежиде трамполин бўйича Тошкент шаҳар чемпионати бўлиб ўтди.

Қизлар ўртасида бугунги кундаги энг етакчи спортчимиз Екатерина Хилько зафар қўчди.

Синхрон сакраш бўйича республика олимпия захиралари коллежи талабалари Анна Савкина ва Моҳира Ибрагимовалар шаҳар чемпионлари бўлишди. Эркалар ўртасида яқка тартибдаги бахсларда Виктор Митин, синхрон сакрашлар бўйича эса Марат Мустафинларга тенг келадиганлар топилмади. Акробатика йўналишидаги сакрашлар бўйича Ўзбекистон Давлат жамоний тарбия институти талабаси Дўстмурод Дехқонов голиблар сафини бошқарди.

(Ўз мухбиримиз)

**Футбол**

**ТАЙЁРГАРЛИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ**

ЎТГАН КУНИ мамлакат XIII миллий чемпионатининг 22-тур баҳслари «Пахтакор»—«Сўғдиёна» учрашуви билан ниҳоясига етди.

Айтиш жоизки, «Пахтакор» марказий стадионида жаззаҳлик чарм тўп усталари билан ўтказилган беллашув пахтакорчиларга «Сеонгнам Чунма»га қарши кечадиган Осиё чемпионлар лигаси ярим финалининг тақрорий ўйини олдидан тайёргарлик вазифасини ўтагани аниқ. Дарвоқе, эслатиб ўтамиз, Сеул шаҳрида жанубий корейлик футболчилар билан уюштирилган дастлабки учрашув 0:0 ҳисобига галабага тенг дуранг билан аяқланганди.

Энди бевосита 22-турда «Сўғдиёна» билан кечган ўйин тафсилотларига тўхталасак. Шуни таъкидлаш жоизки, пахтакорчилар бутун ўйин мобайнида «Сўғдиёна»дан маҳорат бобида устун эканликларини ҳар томонлама ишботлашди. Тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этган тошкентликлар жаззаҳлик дарвозасига учта гол йўллаб, ўз дарвозалардан биттагина тўп ўтказиб юборишди. Мухлисларга қувончли онларни ҳаё эт-

ган голларни дарвозаларга «Пахтакор»дан Қошелев, Ваҳобов, Солиев, «Сўғдиёна»дан Хайитов йўллашди.

Шунингдек, пойтахтнинг яна бир жамоаси, олий лиганинг янги вакили «Локомотив»га ҳам ушбу турда омад кулиб боқди. Ўз майдонида мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Навбахор» билан куч синашган тошкентлик чарм тўп усталари шу кунги уюшқор ҳолда, сермазмун ва ҳужумкор ўйин намой-

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Тошгаз» бошқармаси қарори билан шаҳримизда «Газдан хавфсиз фойдаланиш» икки ойлгининг ўтказилиши ҳам ана шу юқорида айтиб ўтилган хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Хўш, икки ойлик давомида шаҳримиздаги туман газлаштириш бўлимлари томонидан бу борада қандай ишлар олиб борилмақда? Биз Бектемир туманга таъминоти филиали катта устаси Рустам Юсуповдан шулар тўғрисида гапириб беришини сўрадик.

— Газдан хавфсиз фойдаланиш олийгининг ўтказилиши хайрли аънамага айланиб бормоқда. Туманимизда бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан туман ҳокимлиги ҳамда газ ва ёнгиндан сақлаш бўлимлари биргалиқда керакли режа асосида ишни ташкил этиб, фаолият юритмоқда. Жумладан, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда

**ГАЗДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНАЙЛИК**

Бугунги кунда шаҳримизнинг барча хонадонлари газлаштирилган бўлиб, ундан тўғри ва унумли фойдаланиш қоидаларини ҳаммаимиз яхши биламиз. Гар шундай бўлсада, кўп холларда газдан тўғри фойдаланмаслик оқибатида турли кўнглисиз воқеалар ҳам учраб туради. Уларнинг олдини олиш эса барчамизнинг вазифамиз. Қолавера, биз газдан тежаб-тергаб фойдаланишимиз лозим. Чунки у мушкулларимизни осон қилиб, қишда хонадонимизни исити-

учрашувлар, радио сўхбатлар ҳамда бевосита тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Ана шундай тадбирларни «Кўйлик» деҳқон бозориди, «Сувмаш», «Тошкент мотор» корхоналарида, «Миришкор», «Обод», «Бектемир», «Бинокор», «Чашма», «Мажнунтол» маҳаллаларида ўтказдик. Туман кинотеатрларида эса ушбу мавзудаги бир қатор ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этилмақда.

Туман ёнгиндан сақлаш на-

зорати ходимлари билан биргалиқда хонадон ва корхоналарда умумий текшириш ишлари, сўхбат ва турли тадбирлар ўтказиб, қоида бузган хонадон ва ташкилотларга маъмурий чоралар кўрилатёйр. Жумладан, ўзбошимчилик билан газ тармоғидан фойдаланган ҳар бир хонадон ва корхонанинг гази узиб, ёқилган газ ҳақи ундириб олинаёти. Шу билан бирга хонадонларга газ ҳисоблагичлар ҳам ўрнатиб бермоқдамиз. Бу эса анча те-

жамли ва қулайдир.

Ходимларимиз кишига тайёргарлик ишларини ҳам ўз вақтида бажаришяпти. Хозирги кунга қадар 2 километрик газ қувурлари, 24 та газ тақсимлаш мосламаси бўлиб, қайта таъмирланди. Яқинда Нурафшон, II-пахтакорчи, Д.Остонов, Чашма, М.Авезов кўчалари йўналишларидаги газ босимини кўпайтириш мақсадида янги газ қувурлари ётқизибли ишга туширилди. Шу қаторида «Янги Мажнунтол» маҳалласи хонадонларига газ тушириш ишлари қизғин олиб борилмақда. Маҳалла аҳли бу ишлардан жуда хурсанд бўлиб ўз миннатдорчиликларини билдирмоқдалар.

Мен фурсатдан фойдаланиб, ҳамшаҳарларимизга шуни алоҳида эслатиб ўтмоқчи эдимки, қайси шароитда бўлмасин газ асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг!

Очил ҲАЗРАТОВ  
ёзиб олди.

Мухандис Браун бир антиқа кўприк лойиҳаси устида кўп йиллардан бери бош қотириб юрганнда тасодиф юз берди. Бир кун Браун боққа чиққанида минглаб даррахт ва буталар орасида осилиб ётган ўргимчак толаларига кўзи тушади. Ҳар қандай шамол таъсирида бу толалар узилмас эди, муҳандис узун-узун ўргимчак толаларига ўзи уялб юрган осма кўприк лойиҳаси тимсолини кўради, яъни мустаҳкам, бузилмас осма кўприк шу тариха дунёга келади.

Маълумки, тухум пўчоғи тахминан 0,3 миллиметр қалинликда бўлиб, турли қаттиқликка эга бўлган 7 қаватдан иборат. Бу қаватларнинг бири мустаҳкамлик берса иккинчиси тухум ичидидаги жониворни микроблардан ҳимоялайди, учинчиси тухум ичига сув киришидан сақлайди, тўртинчиси кислород етказиб беради. Шунингдек, тухум пўчоғи тизимида ўта нозик қувурсимон пайчалар газ алмашishi жараёнини ифода этади.

Кўриниб турибдики, тухум пўчоғи қават-қават конструкциялардан ташкил топган бетон уйлارнинг деворини эслатади. Бу қаватлар ярим ўтказгичлар сингари ҳаво, газ, сув кабиларни танлаб керак вақтида ўтказиш ва тўпнали қолган газларни ҳам керак вақтида ташқарига чиқаради.

Қорақум чўлларида юмалоқбаш деган ювешлига калтакесак яшайди, унинг душманлари бениҳоя кўп. Лекин тап-тақир чўлда яшориниш осмонми? Юмалоқбаш эса бунинг илорини топган. Хавф-хатарни сезган зооти бу жонивор узала тушиб ётиб оладида худди безгак тутаетгандек нуқул қалтирайверади, натижада қум четта сурилаверади ва юмалоқбаш бир зумда қум остига кириб кетади. Олимпик калтакесакнинг бу хунарини

ўрганиб худди шу принцип асосида ишловчи қозик оёқ қорақадан машина, бетон шиб-баловчи вилкор яратилди.

Австралида яшовчи кенгуру хайвонини ҳамма билади. Конструкторлар ана шу жониворнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш асосида сакраб юрувчи машина моделини ясадилар. Бундай машинанинг афзаллиги шундаки, уни бошқа машиналар юриши мумкин

**Ажойиботлар ТАБИАТ «ПАТЕНТИ» БИЛАН**

Табиат инсонларга азалдан ижодий изланиш манба бўлиб келган, бинобарин барча мезморчилик масалаларини ечишда ёрдам берган. Тухум пўчоғи, моллюска чиғаноғи, даррахт шохи, ўсимлик гули нафақат қиройи, гўзаллиги, балки тузилиши ва мустаҳкамлиги билан ҳам кишини хайратда қолдирган.

бўлмаган жойларда ҳам бемалол ҳайдаб кетаверса бўлади.

Маълумки, ер куррасининг учдан икки қисми сувдан иборат бўлгани холда дунёдаги энг тараққий қилган мамлакатлар сувсизликдан ниҳоятда қийналди. Ҳозирча шўр сувларни қучитиш қийин муаммолардан бўлиб турибди, аникроғи шўр суви қучитиш усули топилган бўлсада унга сарф бўладиган харажат оддий сув сарф-харажатидан 30 қарра қимматга тушмоқда. Бунинг устига-устак бунда сув том маънода тозаланиб унинг таркибида организм учун керак бўладиган табиий тузалар бўлмайди. Холбуки, баъзи бир жониворлар ўз таналаридаги махсус безлар ёрдамида шўр суви бемалол

чўк сувга айлантриб ичаверадилар. Балқич қушлар, пингвинлар, денгиз тошбақалари, денгиз илонлари ва баъзи бир калтакесакларда ана шундай безлар бўлади.

Зилзила ва вулкнлар отилиши башариетни азалдан ташвишлантриб келаетган табиий офатлардан. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар йили Ер юзиде 300 минг марта Ер силқиниши содир бўлиб, шундан тахминан 20 таси вайронгагарчилик келтирувчи зилзилалардандир. Ҳар йили Ер юзиде ўрта ҳисобда 10-15 минг киши зилзила қурбони бўлади.

Афсуски, ҳозирча биз Ер силқинишларини олдидан пайқайдиган асбобларга эга эмасмиз. Баъзи бир жониворлар эса фалокатни олдидан сезар экан. Лекин қандай қилиб? Эҳтимол улар инсон қулоғи илгамайдиган товушларни эшитар балки биз сезмайдиган Ер силқинишларини улар сезар. Агар олимплар хайвонларнинг ана шу сезги механизмларини ошкор этиб, шунақа аппаратлар ярата олганларида эди, инсонларга бундан қанчалик наф етишини сўз билан ифодалаш қийин.

Узоқ Индонезиянинг Ява оролидаги тоғларнинг ён бағирларида Наврўз гулининг нозик би турпи ўсади. У худди биздаги моқаймоқ ёки бутакўзга ўхшайди. Бошқа гулларга ўхшаб у ҳам маълум бир вақтда очилади. Лекин ҳоги тўсатдан беватқ ҳам очилиб қолади. Ер ости гўмбурлашига ўрганиб қолган аҳоли бу гулнинг очилишини вулкн отилишидан дарак берувчи аломат деб билади. Ҳа, вулкннинг харажатга келишидан бир неча соат олдин бу гул дафъатан очилади. Ҳозир олимплар бу антиқа ҳодисанинг сабабини ахтарилмоқда.

Яё ДАВЛАТОВ,  
биология фанлари доктори



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-29-70;  
ўнларлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет  
узулини босилди.  
2812 нусхав босилди. Қўғи ботими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чикади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларга ёки «Тошкент почтачига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сифталанди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.